O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган 2001 йил 22 август, чоршанба Баҳоси сотувда эркин нархда № 66 (7365)

Da'vat

Тарбиячи ўз тарбияланувчиларини қандай кўришни истаса, аввало, унинг ўзи ўшандай бўлмоғи лозим.

В.ДАЛЬ

Ibrat

Хонқа туманидаги 1-сон кўчма механизациялашган жамоа бунёдкорлари томонидан Мустақиллик байрамида очилиши кўзда тутилган 600 ўқувчига мўлжалланган қурилиш касб-ҳунар коллежи биносида сўнгги пардозлаш ишлари олиб борилмоқда.

JUMLADA JAHON

• Асакадаги "ЎзДЭУавто" Ўзбекистон-Корея қўшма корхонасида мустақиллигимизнинг 10 йиллигига муносиб туҳфа бўлган "Матиз" русумли янги автомобилнинг халқаро тақдимоти бўлиб ўтиб, унда мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

• Ўзбекистон Бадиий академияси ва "Бритиш Американ Тобако Ўзбекистон" компанияси ташаббуси билан Тошкентдаги менежмент ва иновация марказида Ватанимиз мустақиллигининг 10 йиллигига бағишланган қўшма ижодий кўргазма очилди ва у "Ўзбекистон ва АҚШ: рассомлар қураётган кўприк" деб номланди.

• Республика Маънавият ва маърифат кенгаши Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Ёзувчилар уюшмаси билан биргаликда ташкил этган "Тафаккуримизни ўзгартирган 10 йил" мавзуидаги илмий-амалий семинарларнинг навбатдаги мажлислари Самарқанд, Навоий, Бухоро, Хоразм вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида бўлиб ўтди.

• Пойтахтимизда Адлия вазирлигининг юристлар малакасини ошириш маркази ҳамда халқаро ЮНИСЕФ ташкилоти ҳамкорлигида ўтказилиб келинаётган "Ювенал юстиция тренинг" дастури доирасидаги навбатдаги семинар машғулотлари бошланди.

• Нукус туманида Италиянинг "Альберто Бертуччи" фирмаси билан ҳамкорликда бунёд этилган корхона соатига 10 тонна томат ишлаб чиқариш қувватига эга бўлиб, ушбу халқаро лойиҳани амалга ошириш учун 2 млн. 270 минг АҚШ доллари миқдорида сармоя сарфланди.

• Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгашида ислом давлатлари ташаббуси билан Яқин Шарқ можароси муҳокама этилди.

• Македония ҳукумати ҳамда албан жамоатчилиги вакиллари ўртасида тинчлик шартномаси имзоланиб, бунинг натижасида НАТО қўшинлари мамлакатга киритила бошланди.

• Япония бош вазири Дзюнъятиро Коидзуми ва АҚШ президенти Жорж Бушнинг октябрь ойида ўзаро музокаралар олиб бориши кутилмоқда ва унда асосан икки томонлама ҳамкорлик масалалари муҳокама этилади.

• Рейтер агентлигининг билдиришича, бугунга келиб Хитойда уяли телефондан фойдаланиш Америкадан ҳам ошиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг

ҚАРОРИ

ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ ТАЛАБАЛАРИГА СТИПЕНДИЯЛАР ТЎЛАШ ТАРТИБИ ВА МИҚДОРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Талабаларнинг касб билимларини чуқур эгаллашларини рағбатлантириш ва ўзлаштиришни ошириш, мутахассислар тайёрлаш сифатини янада яхшилаш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, олий ўқув юртларида стипендия тайинлаш ва тўлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. 2001 йил 1 сентябрдан бошлаб давлат грантлари бўйича ва тўлов-контракт асосида ўқитишнинг кундузги шаклида таълим олаётган олий ўқув юртларининг барча талабаларини (хорижий мамлакатлар талабаларидан ташқари) стипендия билан таъминлаш жорий этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Молия вазирлиги, олий ўқув юртларига эга бўлган бошқа вазирликлар ва идоралар тўлов-контракт шаклида ўқитишнинг қиймати миқдорига ҳар ойда тўланадиган стипендия миқдорини албатта киритсинлар.

2. 2001 йил 1 сентябрдан бошлаб олий ўқув юртлари талабалари учун стипендияларнинг базавий миқдорлари белгилансин, талабаларнинг ўзлаштиришига қараб стипендияларга қуйидаги табақалаштирилган коэффицентлар жорий этилсин:

рейтинг бўйича энг юқори баллар (86-100 балл)-1,0;

рейтинг бўйича юқори баллар (71-85 балл)-0,75;

рейтинг бўйича ўртача баллар (55-70 балл)-0,5.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат стипендияси ва Беруний, Ибн Сино, Навоий ва Улуғбек номидаги Давлат стипендиялари олувчи талабаларга стипендиялар тайинлаш ва тўлашнинг амалдаги тартиби сақлаб қолинсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда бир ҳафта муддатда:

олий ўқув юртлари талабалари учун 2001/2002 ўқув йилида ўқиш қийматининг янги миқдорларини;

таълим муассасаларида стипендия тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномани белгиланган тартибда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

4. Мазкур қарорнинг амал қилиши Вазирлар Маҳкамасининг "Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизилмасини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2001 йил 12 июндаги 253-сон қарорининг 2-бандининг тўртинчи хатбошида кўрсатилган ўқув юртлари ўқувчиларига жорий этилсин, бунда ўқувчилар ва талабалар стипендиялари миқдорларининг илгари амалда бўлган нисбати сақлаб қолинсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда тегишли таълим муассасаларининг 2001 йил учун ҳаражатлар сметасига тегишли ўзгартиришлар киритсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Р.Азимов ва Ҳ.Кароматов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2001 йил 17 август.

Milliy dastur amalda

ТАЪЛИМ ИСТИҚБОЛИНИНГ МУҲИМ АСОСЛАРИ

Рисбой ЖЎРАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири

Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги қонуни, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"да таълим ислоҳотларини амалга оширишнинг асосий йўналишлари, бугунги кунда ва истиқболда халқ таълими соҳасида босқичма-босқич қилиниши зарур бўлган устивор вазифалар аниқ-равшан баён этиб берилган.

Албатта, Президентимиз Ислом Каримовнинг шахсан бошчилигида ишлаб чиқилган ушбу дастуруламал ҳужжатларнинг ҳамда улар асосида қабул қилинган ўнлаб қарорлар ижросини таъминлаш бир қанча омилларга, хусусан, ўқитувчи ва тарбиячиларнинг савиясига, таълим жараёнига янги, юқори самара берадиган педагогик технология-ларни татбиқ этишга ва албатта таълимнинг моддий базасини мустаҳкамлаш, ўқув-тарбия муассасаларини замон талабларига жавоб берадиган ўқув жиҳозлари ва техник воситалар билан етарли даражада таъминлаш, ёруғ, озода, барча қулайлик ва имкониятларга эга бўлган мактаблар қуриб бериш билан ҳам бевосита боғлиқдир.

Республикамиз ўз мустақиллигини қўлга киритган 1991 йилда мамлакатда 1016 та авария ҳолатидаги, 3997 та мослаштирилган, 740 та қурилиши тугалланмаган мактаблар рўйхатга олинган эди. Ўша даврда 4929 та мактаб спорт залига, 991 та мактаб спорт майдончасига эга эмас эди. 4351 та мактабда телефон алоқалари йўлга қўйилганди, халос. Республиканинг 85 фоиз мактабларида ўқув тарбия ишлари тўлиқ икки сменада олиб борилиб, амалда синфдан ташқари қўшимча таълим олиб боришга имконият йўқ эди. Ўша пайтдаги мураккаб иқтисодий вазиятга қарамай таълим муассасаларининг моддий аҳволини яхшилаш, айниқса, бу муҳим масалаларни қишлоқларда тезроқ ижобий ҳал қилиш вазифаси турар эди.

Республика ҳукумати Ватанимизнинг илмий, ижтимоий, маданий ва иқтисодий салоҳиятини юксалтиришнинг бош ечими мактаб-маориф ишини юксалтиришда эканлигини англаган ҳолда, уларнинг моддий базасини мустаҳкамлашни мамлакат ижтимоий сиёсатининг устувор соҳаси, деб белгилади ва бу йўналишдаги муаммоларни бартараф этишга жиддий эътибор қаратди. Республика ҳукуматининг 1996 йил 21 майдаги "2000 йилгача бўлган даврда қишлоқ ижтимоий инфраструктурасини ривожлантириш дастури тўғрисида"ги 182-сонли қарори қишлоқ мактабларининг моддий базасини мустаҳкамлашда муҳим босқич бўлди. Қарорда қишлоқдаги ижтимоий соҳа объектларини, биринчи галда мактаблар қурилишини изчиллик билан жадаллаштириб бориш режаси тузилди. Мазкур ҳукумат дастурининг бош вазифаси қишлоқларда янги таълим муассасаларини қуриш ҳисобига авария ҳолатидаги мактабларни тугатишга эришиш эди. Шу қарор асосида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгаши, Халқ депутатлари вилоят кенгашларининг сессияларида республиканинг барча вилоятларини ижтимоий ривожлантириш дастури тасдиқланди. Дастурда қишлоқ мактаблари учун янги ва мавжуд мактабларга зарур бўлган қўшимча бинолар ҳамда спорт заллари қурилишини жадаллаштириш, спорт майдончаларини ташкил этиш, янги қуриб фойдаланишга топширилган мактабларни мебеллар, жиҳозлар, кўргазмали ва техник ўқув воситалари билан, шунингдек, мактабларни ичимлик суви билан таъминлаш, уларни газлаштириш вазифалари режалаштирилди. Агар ўтган ўн йил давомида таълим муассасаларининг қуриб фойдаланишга топширилиш кўрсаткичларига назар ташланса, **республикамизда шу давр ичида барча маблағлар ҳисобига 843317 ўқувчига мўлжалланган 2232 та янги мактаб бинолари ва мавжуд мактабларга қўшимча бинолар, 92190 ўринга эга бўлган 543 та мактабгача таълим муассасалари қурилганлигини таъкидлаш жоиз.** Кейинги йилларда амалга оширилган қиёсий таҳлиллар шуни кўрсатдики, Мустақил давлатлар ҳамдўстлигига кирувчи бирон давлатда таълим муассасалари қурилиши бўйича бундай кўрсаткич қайд этилмаган.

Таълим муассасаларида амалга оширилаётган қурилишлар туфайли республика бўйича икки сменада машғулотлар олиб бориладиган мактаблар сони 1992 йилдаги 85 фоиздан 2001 йилда 67 фоизга қисқарди. Авария ҳолатидаги мактаблар сонининг 1991 йилдаги 1016 тадан 2001 йил август ойи маълумотларига кўра 144 тагача қисқартиришга эришилди.

Таълим муассасаларининг қуриб фойдаланишга топширилишида, иқтисодий тежамкорликка ҳам алоҳида аҳамият берилди.

Бунинг учун қурилиши тугалланмай қолган 740 та мактабнинг қурилиш даражалари таҳлил қилиб чиқилди. Улардан қурилиш даражаси 40-70 фоиз бажарилганларини босқичма-босқич адресли қурилиш режаларига киритилди ва амалга оширилди, шунингдек, қурилиши тугалланмай қолган таълим объектларини битириб, фойдаланишга топширишда энг зарурлари ва авария ҳолатидаги мактаблар ўрнига қурилиши ҳисобга олинди. Шунинг ҳисобига республикамизда таълим объектларини қуриб фойдаланишга топшириш ишлари изчиллик касб этди. **Уларни замонавий ўқув мебеллари билан жиҳозлашга республика ҳукумати ва маҳаллий ҳокимликларнинг бевосита эътибори боис аввалги йилга нисбатан ўн баробар кўп маблағ ажратилди.**

(Давоми 3-бетда)

МУСТАҚИЛЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЎЗБЕК МОДЕЛИ

МИЛЛИЙ ҒОЯ – ГУМАНИТАР ТЕХНОЛОГИЯ КЎЗГУСИДА 2-бет

YANGI ALIFBONI O'RGANAMIZ 3-бет

БАРКАМОЛЛИК АСОСИ 4-бет

Mustaqillik inshootlari

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚЎМИТАЛАРИДА

Ўтган ҳафтада Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Матбуот ва ахборот қўмитаси, Ижтимоий масалалар ва бандлик, Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари, шунингдек Оила ва аёллар муаммолари қўмиталарининг ўтган йиллар давомидаги фаолияти ва парламентнинг бўлажак олтинчи сессиясига тайёргарлик кўриш ишларига бағишланган матбуот анжуманлари бўлиб ўтди.

Матбуот анжуманида ҳар бир қўмита раиси ва вакиллари журналистларни қизиқтирган саволларга батафсил маълумот берди. Қўмита тузилганидан буён шу кунгача қилинган ишлар ҳақида гапирилди.

Келтирилган маълумотларга мурожаат қиламиз. Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) 1997 йил 24 апрелда қабул қилинган қонунда берилган ваколатларга мувофиқ 2001 йилнинг 6 ойида бир қанча ишларни амалга оширди. Омбудсманга жорий йилнинг 6 ойига қадар 2268 та мурожаат келиб тушди.

Ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитасининг иши ҳам салмоқлидир. Қўмита раиси М.Сафаеванинг берган маълумотларига кўра, ушбу қўмита бир қатор қонун ҳужжатларини ишлаб чиқди. Булардан асосийлари сифатида "Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида", "Гиёҳ-вандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида", "Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида" кабиларни айтиш мумкин.

Олий Мажлиснинг Оила ва аёллар муаммолари қўмитаси Ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитаси билан биргаликда "Аҳолини сил касаллигидан муҳофаза қилиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасини ишлаб чиққан эди ва бу қонун Олий Мажлис сессиясига киритилиб, шу йилнинг 11 майида қабул қилинди. Қўмита бугунги кунда худди шу қўмита билан биргаликда "Йод тақчиллиги тўғрисида"ги қонун лойиҳаси устида иш олиб бормоқда.

Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси асосий фаолиятини икки йўналишда олиб борди. Биринчидан қўмита қонунчилик фаолияти билан бевосита шуғулланиш ва иккинчидан, қонунларнинг ижро этилишини таъминлаш. Қўмита қонунларни халқаро андозалар даражасида тайёрлашда АҚШ, Англия, Германия, Франция каби қатор мамлакатлар тажрибасидан, халқаро ташкилотлар, хорижий давлатларнинг Тошкентдаги дипломатик муассасалари ва консуллик идоралари, Ташқи ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги, Олий Мажлиснинг қўмиталари, юқори малакали хорижий ва маҳаллий экспертлар, олимлар, амалиётчиларнинг ёрдамларидан фойдаланилди.

Мустақиллигимизнинг 10 йиллигига ҳар бир қўмитанинг ўзига хос ютуқлари борлиги кишини қувонтиради.

* * *

Куни кеча Олий Мажлиснинг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси томонидан 1990-2001 йиллар давомида Олий Мажлис сессиясига киритилган қонунлар юзасидан ва ижроси қандай назорат қилинаётганлиги ҳақида матбуот анжумани ўтказилди.

Ўтган давр мобайнида бу фаолият юзасидан қўмита анча самарали иш олиб борди. Бунинг натижаларини бир нечта қонунларнинг қабул қилинишида ҳам қузатиш мумкин. Масалан, "Мудофаа тўғрисида", "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат", "Муқобил хизмат тўғрисида", "Миллий хавфсизлик концепциясини белгилаш", "Давлат чегараси тўғрисида", "Фуқаро муҳофазаси тўғрисида"ги қонунларнинг қабул қилиниши мамлакатимиз мудофаасини ва хавфсизлигини мустаҳкамлашга катта ёрдам бериб келмоқда.

Анжуман давомида шу қонунлар тўғрисидаги ва журналистларни қизиқтирган барча саволларга жавоб берилди.

Шарифа МАДРАҲИМОВА,
Шерзод АҲМАТОВ

УЛАР КОЛЛЕЖДА ЎҚИЙДИ

Янгийўл туманида халқ хўжалиги учун зарур бўлган мутахассис кадрлар тайёрлашга катта эътибор берилмоқда. Мустақиллик байрами арафасида фойдаланишга топширилган "Гулбаҳор" саноат касб-ҳунар коллежи бу борадаги ишларнинг яхшиланишига имконият яратди. 900 ўқувчига мўлжалланган ушбу билим масканида тикувчилик, пахтага ишлов бериш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини консервалаш технологияси, қишлоқ хўжалиги машиналари ва жиҳозларидан фойдаланиш ва таъмирлаш, виночилик, қандолат, нон-булка ва макарон маҳсулотларини ишлаб чиқариш технологияси, компьютер ва офис жиҳозларини таъмирлаш ва ишлатиш, ҳуқуқий хўжалик фаолияти соҳалари бўйича мутахассислар тайёрланади.

Коллеж ўқув хоналари компьютерлашган. Биология, физика, кимё фан кабинетлари замонавий ўқув анжомлари билан тўла жиҳозланган. Каттагина спорт зали талабалар ихтиёрида. 441 ўринли мажлислар зали, 100 ўринли кутубхона ва 100 ўринга мўлжалланган ётоқхона ҳам ўз ўқувчиларини қабул қилишга шай.

— Компьютер ва офис жиҳозларини таъмирлаш ва ишлатиш ихтисослиги бўйича ўқимоқчиман, — дейди абитуриент А.Абдуҳалилов. — Бу касбга болалигимдан қизиқаман. Шундоқкина уйимиз яқинида мазкур коллежнинг очилгани бизни жудаям қувонтирди.

— Мен бу ерга қизимни олиб келдим, — дейди янгийўллик Р.Мусаева. — туманимизда коллеж қурилгани нафақат фарзандларимизни, балки бизни ҳам қувонтирди. Чунки болаларимиз кўз олдимизда ўқиса, уларни назорат қилиб туриш ҳам осон бўлади.

— Бизда очилган мутахассисликлар ўз-ўзидан пайдо бўлгани йўқ, — дейди коллеж директори Х.Илолов. — Туманимизда ушбу соҳалар бўйича кўплаб саноат корхоналари мавжуд. Жумладан, нон, вино, консерва, тикувчилик ишлаб чиқариш корхоналари, пахта тозалаш заводи шулар жумласидандир. Шунингдек, туманимизда тўрт юздан зиёд фермер хўжалиги бор. Улар учун ҳуқуқий хўжалик фаолияти соҳаси бўйича ҳуқуқшунос-иқтисодчи мутахассислар ҳам тайёрлаб берамиз. Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, биз тайёрлайдиган мутахассисликларимиз бўйича ишга жойлаштириш мажбуриятини ҳам олганмиз. Бу борада ташкилотлар билан шартномаларимиз бор.

Қабул бошланмасдан олдин, бу ерга ўқувчилар ва уларнинг ота-оналарини таклиф қилдик. Коллежимиздаги шарт-шароит билан таништирдик, тайёрлайдиган мутахассисликларимизнинг аҳамиятини тушунтирдик. Мана, кўриб турибсиз, натижа ёмон бўлмади. Ўқиш истагида келаётган ёшлар кундан-кунга кўпаймоқда. Бу йил 400 ўқувчи қабул қилишни режалаштирганмиз. Айни пайтгача тушган аризалар сони мингтадан ошиб кетди.



Лутфулла СУВОНОВ,
ЎзА мухбири

Д.ЮСУПОВ
(ЎзА) олган суратлар.

Taraddud

Шу йилнинг 5-6 сентябрида Тошкент архитектура ва қурилиш институтида "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"ни рўёбга чиқаришнинг 1-босқич якунлари" республика илмий-амалий анжуманини ўтказиш мўлжалланмоқда. Унинг ташкилий жиҳатлари, мақсад-вазифалари ҳақида Олий ва ўрта махсус мактаб муаммолари институти директори Эркин Имомов мухбиримизга қуйидагиларни сўзлаб берди:

БИРИНЧИ БОСҚИЧДАН ИККИНЧИСИГА

— Республика конференциясидан аввал барча турдаги узлуксиз таълим вакиллари иштирокида Миллий дастур биринчи босқичини рўёбга чиқариш натижаларига бағишланган ҳудудий семинарлар бўлиб ўтади. Таълим тизимининг етакчи вакиллари, раҳбарлари, мутахассислар, педагоглар, давлат ҳокимиятининг маҳаллий идоралари, халқаро ташкилот ва жамғармалар вакилларининг қатнашуви кўзда тутилган. Мақсад ҳақида гапирганда, битта масала яққол кўзга ташланиб турибди. У ҳам бўлса, КТМДнинг иккинчи босқичини унинг биринчи босқичидаги таҳлилий муҳокамалар асосида амалга ошириш бўйича илмий ва амалий кўрсатмалар ишлаб чиқиш. Буларни умумлаштирсак, қуйидаги йўналишлар келиб чиқади: жамиятнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий соҳаларида тубдан ўзгартиришни амалга оширишда кадрлар тайёрлаш бўйича миллий модель ва дастурнинг ўрни ва роли. Узлуксиз таълим: ислоҳот натижалари, муаммолари ва истиқболлари (шу билан бирга "Табиий фанларни ўқитиш" кичик шўъба иши). Таълимда инновация. Ислоҳотнинг кадрлар ва ресурслар таъминоти: тажриба, муаммо, истиқболлар. Икки кунлик анжуман уюшқоқлик руҳида ўтиши учун 9 кишидан иборат ташкилий қўмита тузилган.

Узлуксиз таълим тизимининг асосий нуқталари умумий таҳлилини маърузаларда яна бир бор кўрсатиш режалаштирилган. Олий ва ўрта махсус таълим вазири С.Ғуломовнинг "Олий таълим: "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"ни рўёбга чиқаришнинг 1-босқич якунлари ва 2-босқичнинг асосий вазифалари" хусусидаги маърузаси тингланади. Шунингдек, халқ таълими вазири Р.Жўраев, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази раҳбари Ж.Ҳусановнинг ҳам шу йўналишдаги чиқишлари белгиланган. ЎзФА президенти Б.Йўлдошевнинг "КТМДнинг биринчи босқичини рўёбга чиқаришда фан ва таълим интеграциясининг роли" мавзусидаги маърузаси ҳам кун тартибига киритилган.

Асосий маърузалар муҳокамасидан сўнг умумий тартиб асосида иш олиб борилади, яъни анжуманнинг иккинчи куни иштирокчилар шўъбаларга бўлиниб иш кўрадилар ва ўз вазифаларини яна ҳам ойдинлаштириб олишади.

Анжуманда айтилган таклиф, фикр, мулоҳазалар умумлаштирилиб, иккинчи босқич вазифаларининг таркибий қисмига сингдирилади. Зеро, ўқув йилининг бошида ўтказиладиган катта доирадаги анжуман катта вазифаларни амалга оширишда ўзига хос ўринга эга бўлади.

Ҳ.ТЎЙМАНОВА суҳбатлашди.

Янгисининг тупроғини қоришда сувга қўшилиб, инсон қони ҳам оқди. Шунинг учун ҳам инсоният тарихининг ўтаётган ҳар бир асри, йили, куни Юртбошимиз Ислом Каримовнинг "Янгисини қурмай эскисини бузманг", деган ҳикматли фикрини тасдиқламоқда.

Яъни "Англанган, қалб ва онгга сингган миллий ғоя бизни Буюк келажакка элтади" дейиш мумкин.

Milliy istiqlol g'oyasi

Эндиги вазифамиз шундан иборатки, миллий истиқлол ғояси тушунчалари асосида кенг жамоатчилик, зиёлиларимиз, илм-фан ва маданият намояндалари, аввало, маънавий-маърифий соҳа ходимлари миллий мафкурани такомиллаштириш ҳамда унинг асосий тамойилларини одамлар онги ва қалбига сингдиришга қаратилган ишларни янги босқичга кўтаришлари зарур.

Ислом КАРИМОВ

Мустақиллик йилларида халқимиз ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маданий ҳаётида улкан янгиликлар юз берди. Энг муҳими, онг-тафаккуримиз ўзгарди. Ватан тараққиёти, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги йўлида одамларимизнинг шахсий ва умуммиллий мақсад муштараклиги, ғоявий бирликка интилиш ҳисси кучаймоқда. Ғоявий бирликка эриша олмаган замонларни эслаб кўрайлик: собиқ шўро даврида миллийликдан бутунлай йироқ, жамиятни синфларга бўлиб ташлаб, пароканда қилган тизим ҳукмрон бўлди. Одамларни сохта ғояларга қизиқтириб, ўзлигидан жудо қилиш оқибатида миллий идеаллар қадрсизланиб, сусайиб қолган эди.

Халқимиз озодликни қўлга киритгач, ўз тақдирининг чинакам эгаси, ўзига хос миллий маънавият ва маданиятнинг соҳибига айланди. Ўзликни англаш, қадриятларни тиклаш анча мураккаб вазиятларда — эски империя тузуми барбод бўлган ва янги давлатчилик муносабатлари шаклланаётган бир шароитда юз берди. Ана шундай пайтда миллий маънавият, халқни бир жону бир тан қилиш – ижтимоий сиёсатнинг устувор масаласига айланди.

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитасида бўлиб ўтган «Миллий истиқлол ғояси ва тараққиётнинг ўзбек модели» мавзусига бағишланган илмий-амалий семинарда ўзбек фанининг миллий тараққиётимиздаги роли, бу йўлда эришилган натижалар ва қилиниши керак бўлган ишлар, илм аҳлига қўйилаётган юксак талаблар белгилаб берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси, академик Т.Рисқиев ўз маърузасида иштирокчилар диққатини миллий истиқлол ғояси тадқиқи билан боғлиқ долзарб масалаларга қаратди. Муҳокама қилинган уч масала бири-бирини тақозо этувчи методологик, технологик ва услубий учликни ҳосил қилди. Биринчи масала – Миллий истиқлол ғояси ва тараққиётнинг ўзбек модели орасидаги боғлиқлик мавзуини илмий-тадқиқ этишнинг аҳамиятига; иккинчиси, зиёли ва олимларнинг бу борадаги долзарб вазифаларига; учинчиси, Миллий истиқлол ғояси ўқув фанини таълим тизимига жорий қилиш борасидаги изланишлар самарадорлигини оширишга бағишланди. Кўриниб турибдики, уч масала тадқиқотларнинг уч даражасини қамраб олган. Шу сабабли Миллий истиқлол ғояси ва жамият тараққиётини моделлаштиришнинг замонавий ютуқларини уйғунлаштиришни кўзда тутади.

Очиғини айтиш керак, миллий тараққиёт, фан ва ғоя бирлиги масаласининг айнан шу тарзда қўйилиши Ўзбекистон фанида муҳим янги бир ҳодиса десак янглишмаймиз. Чунки "мамлакатимизда жамият тараққиётини моделлаштириш муаммолари билан бевосита шуғулланадиган олим ва мутахассислар камлиги, чуқур, илмий асосланган тадқиқотлар оз"лиги сезилиб қолди. Ўзбек модели таълимоти Президентимиз томонидан асослаб берилди, бироқ бу таълимотни жаҳон фани ютуқлари, универсал услуб ва технологияларни қўллаб тадқиқ этиш, ижтимоий технология даражасига кўтариш кўнгилдагидек эмас. Ваҳоланки, жамиятни илмий асосда бошқариш; ижтимоий объектларнинг кўп даражали типологиясини аниқлашнинг математик-статистик методлари; кластер таҳлил; технологик (эвдемонизм ва алармизм) детерминизм; ижтимоий лойиҳалаш; ҳозирги жамиятнинг келажагини илмий асосланган бўлажак объект сифатида моделлаштириш (бу ижтимоий башорат ёки ижтимоий орзудан фарқли, албатта); қиёсий-тарихий метод; инсон омилини такомиллаштириш ва бошқа назария, концепциялар турли жамиятларнинг ўтиш даврида қўлланиб, давлат ва жамият тараққиётини янада тезлаштиришга хизмат қилган.

Ўтиш даври муайян, ўз чегараларига ички ўзгаришларига эга жараён. Масалага шундай ёндашиш ахён-ахёнда, ижтимоий жараёнларни тушунишда учраб турган мавҳумликни орадан кўтарди. Тадрижий ўтишнинг инқилобий ўтиш, сакрашдан қанчалар афзаллиги аниқ фанлар қўллаётган қонуниятлар нуқтаи назаридан асослаб берилди. Бу эса бизга аналогия услубини қўллаш орқали ижтимоий жараёнларни ўрганиш ва ўзгартишда катта имкониятлар эшигини очади.

Жамиятда ҳам, табиатда ҳам бир-бирига мутлақ ўхшаш икки нарса бўлмайди. Икки нарса, ҳодиса орасида хусусийлик ва умумийлик бўлиши мумкин. Хусусийлик ва умумийлик бир нарса, бир объектнинг аввалги, ҳозирги ва келажакдаги ҳолатларида ҳам бўлиши мумкин. Бунда объект (шахс, предмет, жамият, бизнинг мисолимизда - Ўзбекистон жамияти)нинг 1991 ва 2001 йилдаги ҳолатларида хусусийлик ва умумийлик намоён бўлади. Аниқроғи, хусусийлик - ўзгаришлар, янгиликларда, умумийлик - ўзгармаган, сақланиб қолаётган кўрсаткичларда кўринади. Шу сабабли 1991 йилдаги Ўзбекистон билан 2001 йилдаги Ўзбекистон орасида жуда катта фарқни кўрмоқдамиз. Демак, 2011 йилда 1991 йилдаги ва ҳозирги Ўзбекистондан янада кўпроқ фарқни кўриш, моделлаштириб тасаввур қилиш, лойиҳалаш мумкин. Демак, лойиҳани ҳам такомиллаштириб, "Буюк келажак"ни тасвирлаб, халқимизни фидокорона меҳнатга илҳомлантириш мумкин.

Ислоҳотлар илм аҳлига жуда ўринли, самимий талаблар қўймоқда. Чунки, бугунги кунда тараққиётимиз моделининг тадқиқ этиладиган кўплаб йўналишларга эгалиги ҳам турли соҳа олим ва мутахассисларининг ҳамкорлигини талаб қилмоқда. Бунда, айниқса, мамлакат ва халқ ҳаётининг турли жабҳаларига хос бўлган ва ижтимоий тараққиётнинг динамик қонунларини ўзида акс эттирадиган хусусий соҳаларга хос моделларни яратиш ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади.

"Турли соҳа олим ва мутахассисларининг ҳамкорлиги" жумласида катта маъно бор. Чунки собиқ шўро даврида ижтимоий жараёнлар у ёқда турсин, ҳатто "Инсон" муаммосини комплекс ўрганиш ҳам ҳал қилинмади. Ҳар бир фан вакили ўз фани қобиғида яшаб, ўтиб кетар эди. Ваҳоланки, энг буюк кашфиётлар фанлар туташган нуқталарда содир бўлади. Чунки жамият ҳам, ўтиш даври ҳам, мафкура ҳам комплекс ҳодиса. Демак, умумилмийлик, универсаллик тамойили ўтиш даври муаммоларини комплекс ўрганиш ва ҳал қилиш имкониятлари калитини берди.

Бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтишда табиийлик, тадрижийлик бузилса, бу бузилиш, кескинлик ҳамма жойда, ҳамма соҳада панд беради: совуқ шишага бирданига қайноқ сув қуйилса, шишани синдиради; қуримаган пахса устига иккинчи пахса урилса - девор қулайди; беморнинг касали ўрганилмай, муолажа қилинса, тузалмайди ва ҳ.к. Демак, совуқдан-иссиққа, ҳўлликдан-қуруқликка, беморликдан-соғликка ўтиш шартлари бор. Ана шу тартиб шартларига риоя қилинганда идиш — синмайди, девор — мустаҳкам туради, бемор — тўла тузалиб кетади.

Хаотик ўтиш ҳам мумкин. Бунда мавжуд тизим элементлари тез ва зўрлик билан ўзгартирилади, йўқотилади. Ўтган асрнинг ўн еттинчи йилидаги октябрь тўнтариши ўз мисолида бутун инсониятга инқилобий ўтиш қандай даҳшатли оқибатларга олиб келишидан огоҳлантириб кетди. Чунки коммунистлар янгисини қурмай эскисини буздилар. Шу сабабли эски вайроналар остида одамлар қолди. Янгисининг тупроғини қоришда сувга қўшилиб, инсон қони ҳам оқди. Шунинг учун ҳам инсоният тарихининг ўтаётган ҳар бир асри, йили, куни Юртбошимиз Ислом Каримовнинг "Янгисини қурмай эскисини бузманг", деган ҳикматли фикрини тасдиқламоқда.

Азалдан бирор халқ ўз ҳаётида тарихий ўзгариш ясашга қарор қилар экан, унинг аъзолари орасидаги ғоявий бирлик, маслакдошликни таъминлаш масаласи биринчи ўринга кўтарилган. "Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар" рисоласи ўзида мужассам қилган мақсад, моҳият бунинг яққол намунаси, дейиш мумкин. Унда жамиятни бирлаштирувчи, ватандошларни бир-бирига пайванд қилувчи умумий идеалларимиз акс этган. Айниқса, ҳозирги ўтиш даврида халқимиз, хусусан, ёшларимиз онги ва қалбини ёт ғоялар касофатидан асраш, ҳимоя қилиш сув билан ҳаводек зарур. Бу бевосита педагогик, яъни тарбиявий масала. Тарбия эса биз учун ҳаёт, нажот, саодат масаласидир.

Ёт кучларнинг мақсад-муддаолари бизнинг бунёдкор ғояларимизга зид – жамиятда ғоявий қутбланиш, бўлинишни ҳосил қилиш, бўлинган қисмларни бир-бирига қарши гиж-гижлаб, миллатни пароканда қилиб, ўз измига бўйсундиришдан иборат. Агарда биз ларнинг шундай қора ниятларига умуммиллий, метиндек мустаҳкам ғоявий бирлигимизни қарши қўя олмасак, бу келажаги буюк Ўзбекистон сари қилаётган саъй-ҳаракатларимиз йўлида катта тўсиқ бўлиши аниқ.

Ёшларни ғоявий бирлаштириш учун назарий билимларнинг ўзи кифоя қилмайди. Бунда собиқ шўро педагогикасида учраган "билимдон ночорлик" феномени такрорланиши мумкин. Бунинг олдини олиш учун миллий истиқлол ғоялари ҳақидаги билимларни кучли характер билан омухта қилиш керак. Ўтмишга мурожаат қилайлик. Тарихимизнинг турли даврларида яшаб, миллатга хизмат қилган иқтидорли ва кучли характерли боболаримиз Соҳибқирон Амир Темур, Жалолиддин Мангубердилар ўз ҳаётлари мисолида ибрат, қаҳрамонлик намуналарини кўрсатишди. Улуғ аллома-ларнинг муборак номлари ҳам, қолдирган маънавий, ғоявий меросларини ҳам – миллат мулки. Шу сабабли АҚШда ҳам, Англияда ҳам, Россияда ҳам, Францияда ҳам, Хитой ва Ҳиндистонда ҳам ўз алломаларини эъзозлайдилар. Улардан руҳий мадад оладилар.

«Миллат юраги тез ура бошлаган» онларда буюк тарих, улуғ аждодлар миллат хотирасида уйғониб, янги авлодлар амалга ошираётган ишларни кузатаётгандек бўлади. Халқлар ўз тарихининг бурилиш паллаларида ана шу нигоҳларни ўзларида туйиб, мамлакат, Ватан, миллат учун хоҳ жанг, хоҳ меҳнат майдонида бўлсин, мардлик, жасорат кўрсатишган. Халқимизнинг бахти шундаки, бизда сиёсий ақлидрок билан қомусий билимдонликни ўзида мужассам этган, кучли характерга эга буюк арбоблар бўлган ва бор.

Ҳар қандай нарсанинг бирор қисмига хос хусусият шу нарсанинг ўзига ҳам хос бўлади. Шу мантиқий қоидадан келиб чиқиб, бир кишида учрайдиган инсоний сифатлар шу жамият, миллатнинг характерига ҳам хосдир, дейиш мумкин. Демак, муайян кишиларнинг хулқи, хатти-ҳаракатларида юксак, фазилатлар етакчилик қилса, бу ёнидагиларга ҳам "юқади". Натижада бу халқ тарихий шон-шуҳрат қозонишга тайёр бўла боради. Бунга мутараққий мамлакатлар тарихидан кўплаб ҳаётий мисоллар келтириш мумкин.

Халқнинг матонатли характери жамият тараққиётидаги ўтиш даврининг кучли омилларидан бирини ташкил қилади. Жамият аъзоларининг барча имкониятларини умумий ишга сафарбар қилади. Бунёдкорлик ҳар куни, ҳар қадамда рағбатга, бузғунчилик эса ҳар қадамда нафратга дуч келаверади. Бу эса бунёдкорлик ҳақидаги билимлар миллат онгидан характерига кўчиб, "ишлай бошлаганлигини" кўрсатади. Ана шунинг учун ҳам билим - таълимнинг, характер эса - тарбиянинг маҳсули сифатида қўлланиб келган. Пировард натижада эса одамнинг қандай инсон эканлигини унинг характерига қараб баҳолайдилар. Билимдон кишилар – онгга, кучли характерли кишилар эса кишининг виждонига куч берадилар. Шунинг учун ҳам азалдан халқ билимдон кишиларга тан берган. Кучли характерли кишилар таъсирида ҳаракатга келган, ўрнидан турган, қўллаб-қувватлаган, уларга эргашган.

Нимаики мавжуд экан, у намоён бўлади. Ғоя ҳам. Ҳамма соҳада, ҳамма ерда, кеча-кундуз, доимо. Бу дастгоҳда ишлаётган ишчининг, пахтасини ягона қилаётган пахтакорнинг, супермаркет пештахтаси ёнида турган тижоратчининг, мураккаб операцияни амалга ошираётган жарроҳнинг, дарсга тайёрланаётган ўқитувчининг, йўловчиларни олиб кетаётган ҳайдовчининг, уй бекасининг ниятларида, ишига, ўз-ўзига, ёнидаги ватандошига, ўз ва миллат келажагига муносабатида сезилади. Турли касбдаги, ёшдаги, миллатга, динга мансуб ватандошларнинг сўздаги, ишдаги бирлиги шу тариқа мамлакатнинг иқтисодий тараққиётига руҳ, куч беради. Шундай экан, бу бирликни таъминлашга қаратилган миллий ғоя тарғиботи самарадорлигини ўрганиш ва кучайтириш учун барча фанларнинг имкониятлари сафарбар қилинмоғи зарур. Зеро, фан ҳамма соҳада тараққиётга хизмат қилиши керак.

Жаҳон моддий ишлаб чиқариш тажрибаси технологиялар муттасил янгиланиб, такомиллаштирилиб борилмаса, тараққиётда улкан ютуқларга эришиб бўлмаслигини кўрсатади. Масалан, Япония қатор кўрсаткичлар, жумладан, фундаментал тадқиқотлар бўйича АҚШга тенглаша олмаса-да, саноатнинг қатор соҳалари бўйича ундан илгарилаб кетган. Бу эса нафақат техник, балки гуманитар технологик маданият таъминланганлиги билан боғланади. Бунга мамлакатда ишчи-ходимларда ўз корхонасига фидойиликни шакллантириш технологиясини мисол қилиб келтириш мумкин.

Фидойилик ғояси қандай "ишлади"? Унинг натижаси, "маҳсулоти" нимада кўринди? Мисол учун, "Кокутай", "Сиккари" каби миллатни бирлаштирувчи ғояларда. Уларнинг "ишини" ишчи-ходимларнинг рационализаторлик таклифларида, кашфиётларида, корхона иқтисодиёти, ходимлар фаровонлигини ошириш, ишлаб чиқаришда ўз-ўзини бошқаришдаги аниқ хатти-ҳаракатлар, самарадорликни оширган ютуқларда кўришди.

Оила, боғча, мактаб, лицей, коллеж, институт, университетлар ёш авлодларни ана шундай "маҳсулдорлик"ка амалий тайёрлашга улкан ҳисса қўшади. Бу билан улар улкан гуманитар технологик вазифани бажаради. Шу сабабли ҳам ишлаб чиқариш корхоналари, маҳаллаларда амалга ошириладиган ғоявий тарбияда ҳам ижтимоий педагогик технологияларга таяниш ғоят истиқболлидир.

Табиатда ҳам, жамиятда ҳам англаб бўлмас ҳодиса, жараёнлар йўқ. Ўтаётган ҳар бир аср инсон билолмаган нарсалар, ҳодисалар сонини камайтирмоқда. Шўро даврида ижтимоий-маънавий жараёнларнинг амалиёти ҳақида гап кетганида аксар ҳолларда "мавҳум жараёнлар" деб, жавобни насия қилиб қўя қолинарди. Ҳозир эса ана шу кемтик бутланиб, мамлакатимиз ижтимоий-гуманитар фанларида амалий, услубий йўналиш ривожлана бошлади. Бу эса миллий истиқлол ғояси асосий тушунча ва тамойиллари тарғиботи ва ташвиқоти учун ғоят самарали ижтимоий-технологик база етилаётганлигини кўрсатмоқда.

Жаҳон мамлакатларида биздаги каби маънавият ва маърифатга эътибор учрамайди. Яна кишини мамнун қиладиган томони шундаки, бу жараёнлар бир марталик самарага қаратилгани йўқ. Балки ўсиб, собиқ шўро даврида тасаввур қилиб бўлмаган механизм - гуманитар технологияга айлана бормоқда. Демак, юртдошларимизнинг ғоявий бирлиги, бунёдкорлик қуввати буюк келажакни яратиш учун етарли даражага кўтарилади. Яқинда Ўзбекистон Фанлар академиясида "Ўзбекистон фани: ўтмиши, бугуни ва келажаги" мавзуидаги илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Унинг ялпи мажлисида сўзга чиққан республикамизнинг етакчи олимлари ижтимоий-маънавий жараёнларни тадқиқ қилиш, моделлаштиришни аниқ фанлар методлари ёрдамида амалга ошириш мумкинлигини аналогия усулини қўллаб, исботлаб бердилар. Демак, Ўзбекистон фани ижтимоий-маънавий, мафкуравий жараёнларни ўрганиш ва ўзгартиришнинг янги, универсал методологиясига эга бўлмоқда. Маънавий-маърифий тарғибот ишини илмий технологик асосга қуриш, бу соҳанинг миллий ва хорижий тажрибасини ўрганиб, ундан фойдаланиш борасида тажрибалар тўпланмоқда. Бу йўлда саъй-ҳаракат қилаётган Республика Маънавият ва маърифат Кенгаши миллий истиқлол ғояси асосий тушунча ва тамойилларини кенг жамоатчилик онги ва қалбига янада чуқур сингдириш, одамларда мустақил фикрлаш даражасини оширишга кўмаклашиш, ёшларимизда миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлашган дунёқарашни шакллантириш каби муҳим вазифаларни адо этмоқда.

Энг муҳими, тарғибот ва тадқиқот бирлашмоқда. Фан ва техника давлат қўмитаси томонидан Республика Маънавият ва маърифат Кенгашининг бундай кенг кўламли тарғибот-тадқиқотчилик фаолияти қўллаб-қувватланмоқда. Миллий истиқлол ғояси тарғиботини технологик таъминлаш мақсадида мафкуравий жараёнлар мониторинги; ички ва ташқи тарғибот мақсадларида Интернетда "Маънавият ва маърифат" маркази сайтини очиш; маънавият ва маърифат ходимларини маънавий-мафкуравий тарғиботга тайёрлаш; тарғибот-ташвиқотнинг миллий тажрибасини ўрганиш; тарғибот ва ёт мафкураларга қарши тарғибот услубларини ишлаб чиқиш; туман ва минтақаларнинг маънавий-мафкуравий ҳолатини илмий мезонлар асосида ўрганиш йўлга қўйилмоқда. Бу ва шу каби мисоллар мамлакатимизда умуммиллий ғоявий бирликни таъминлашнинг янги, илмий асосланган гуманитар технологияси бунёд этилаётганлигидан далолат беради.

Ўтиш даврида ҳамма вақт умумий мақсад йўлида одамларнинг ғоявий-руҳий бирлиги, ўзаро ҳамкорликка тайёрлиги ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Бу эса жамиятнинг ҳозир ишлаб чиқаришда бевосита иштирок этаётган қисмига алоҳида эътибор қаратишни талаб қилади. Чунки мамлакатнинг бугуни айнан уларнинг ақлий ва жисмоний салоҳиятига, матонатли меҳнатига боғлиқ. Шу сабабли жамиятнинг ишлаб чиқарувчи, фаол қисми илмий асосланган, маънавий-маърифий ишларнинг биринчи объектига айланмоғи керак ва шундай бўлаяпти ҳам.

Республика Маънавият ва маърифат Кенгашида бу йўналишда қатор маданий-маърифий тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 10 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган "Истиқлолимиз – истиқболимиз", "Миллий ғоя – бизнинг ғоя", "Тафаккуримизни ўзгартирган ўн йил" шиорлари остида сайёр, доимий илмий-амалий семинарлар, баҳс-мунозаралар, очиқ мулоқотлар республикамизнинг энг олис қишлоқларида, маҳалла, овулларида ҳам анъанавий тус олмоқда.

Миллий истиқлол ғояси асосий тушунча ва тамойилларини оддий, содда баён қилувчи воизлар гуруҳлари тузилиб, уларга халқ орасида обрў-эътиборли, фидойи зиёлилар жалб этиляпти. Ёзувчи ва шоир, санъат арбоби ва олимлардан иборат жамоатчи тарғиботчилар ўз оташин сўзлари билан ғояларимизнинг ҳар бир тингловчи онги ва қалбига етиб боришига интилмоқдалар.

Илгари "Гўзаллик оламни қутқазади", деган ҳикмат бўлар эди. Буюк рассом Н.Рерих ва унинг шогирдлари бу ҳикматни "Англанган гўзаллик оламни қутқазади", - деб бойитдилар. Ушбу фикрни ғояга ҳам қўлласа бўлади. Яъни "Англанган, қалб ва онгга сингган миллий ғоя бизни Буюк келажакка элтади" дейиш мумкин. Чунки, миллий ғоя англаниб, ҳар бир ўзбекистонликнинг шахсий ва миллий муштарак манфаатларига боғлангач, унинг ҳаётига алоҳида руҳий кўтаринкилик бахш этади. Бундай ҳаётбахш ишонч билан руҳланган ватандошларимиз ҳаётда учраб турадиган муаммоларни матонат билан енгиб, Буюк келажакни бунёд этиш йўлида янада собит қадам ташлайверадилар.

Аслиддин БОЛИЕВ,
Муҳаммад ҚУРОНОВ

МУСТАҚИЛЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЎЗБЕК МОДЕЛИ

МИЛЛИЙ ҒОЯ — ГУМАНИТАР ТЕХНОЛОГИЯ КЎЗГУСИДА

Мана янги ўқув йилининг бошланишига ҳам саноқли кунлар қолди. Шунинг учун ҳам барча ота-оналар фарзандларига ўқув қуроллари, дарсликлар олиб бериш ташвишида.

Республикамизнинг барча вилоят, туманларида бўлгани каби Чироқчи туманида ҳам умумтаълим мактаблари ўқувчиларини дарсликлар ва ўқув адабиётлари билан таъминлаш кенг йўлга қўйилган.

— Туман марказининг ўзида 6 жойда, Ғалаба жамоа ширкат хўжалигида эса 2 жойда, шунингдек, кўпгина мактабларимизнинг бевосита ўзида дарсликлар савдоси йўлга қўйилган. Шу боис ҳам бугунги кунда ўқувчиларни дарслик билан таъминлаш 72 фоиздан ошди, — дейди туман ХТБ мудири Ўрол Абдураҳмонов.

Туман марказидаги "Матбуотчи" фирмасига қарашли мактаб ярмаркасида эса айни пайтда дарсликлар савдоси ҳар доимгидек гавжум.

Бурҳон РИЗОҚУЛОВ олган суратлар.

Jarayon

ИЛМ МАСКАНИДА МАКТАБ БОЗОРИ

Тошкент шаҳар А.Икромов туманидаги 129-мактабда янги ўқув йилига қизғин тайёргарлик кетаяпти. Мактаб таъмири тўла якунланди. Бу ишда ота-оналардан Шаҳноза Қудратиллаева, Фотиҳ Қодиров, Абдураҳмон Абдумажидовлар ҳомийлик ёрдами кўрсатишди. Дарвоқе, мактабда ўқувчиларни дарслик билан таъминлашга ҳам катта эътибор берилаётир. Эътиборлиси шуки, бу ерда мактаб бозори ташкил қилинган.

—Биз мактаб бозорини июль ойининг дастлабки кунларидаёқ ташкил этдик ва китоблар сотувини йўлга қўйдик, —дейди кутубхоначи Ёқутхон Шокирова. — Айни кунларда эса китоб савдоси қизғин кетаяпти.

Дарҳақиқат, мактаб бозорига 20 та номдаги дарсликлар ва ўқув қўлланмалари қўйилган экан. Кутубхоначининг маълумотига кўра, ҳозиргача 1800 нусхада китоблар сотилибди. Шунингдек, бу йил 1-синфга келадиган 150 нафар ўқувчига Президент совғалари келтирилиб, янги ўқув йилида тарқатишга шайлаб қўйилибди. Қисқаси, мактаб жамоаси янги ўқув йилини муносиб тарзда, пухта тайёргарлик кўрган ҳолда кутиб олаётир.

Назокат ХОЛМЕТОВА,
ЎзМУ журналистика факультети талабаси

Xabar

ЎЗБЕКИСТОНДА БИРИНЧИ МАРТА

Корея президенти қошидаги "Давлат академик бизнес-ахборот" мактаби ва "Самсунг электроникс" компанияси ташаббускорлиги билан ЎзДЖТУда ёшларнинг бир ҳафталик интернет семинари бўлиб ўтди. Бу семинарга Кореянинг энг нуфузли университетида фаолият кўрсатаётган менежер Ким Сонг Ги ва ўқитувчи Хо Сонг Иллар таклиф этилдилар. Курсда 30 нафар тингловчи иштирок этган бўлиб, улар "Excel" ва "Word" дастури билан таништирилди ҳамда "Интернет"да фаолият кўрсатиш амалиёти бўлиб ўтди. Курснинг сўнгги кунида тингловчиларга махсус гувоҳномалар топширилди. Тадбирда ЎзДЖТУнинг ректори Ж.Бўроновнинг иштирок этиб, Ўзбекистон ва Корея ўртасидаги муносабатлар янада кенгайишига тилак билдирди ҳамда меҳмонларга эсдалик совғаларини топширди.

Муҳаббат РАҲИМОВА,
талаба

ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Жиззах туманида "2000-2001 ўқув йили якунлари ва 2001-2002 ўқув йилида амалга оширилиадиган вазифалар" мавзуида йиғилиш бўлиб ўтди. Унда туманнинг илғор педагоглари иштирок этишиб, ўтган ўқув йили натижаларини таҳлил қилишди ҳамда янги ўқув йили режалари хусусида фикрлашиб олдилар. Шунингдек, унда ёш мутахассислар қасамёд қабул қилди ва кекса педагоглар уларга эзгу ниятларини изҳор этди. Тантанали руҳда кечган йиғинда Жиззах вилоят ҳокими муовини Б.Бекжонов, Жиззах вилоят ХТБ бошлиғи С.Мирзабеков, туман ҳокими З.Қобилов, туман ХТБ мудири Ў.Маҳмудов ва тумандаги корхона ва ташкилотлар, хўжаликлар раҳбарлари қатнашдилар.

Йиғилиш якунида илғор педагоглар вилоят ва туман ҳокимликларининг эсдалик совғалари билан тақдирланди.

И.ИСМОИЛОВ,
Жиззах вилояти ПХМОИ бўлим бошлиғи

Президентимиз Ислом Каримов шу йилнинг 9 июнида Қашқадарё вилоятига сафари чоғида Қамаши туманида янги қурилаётган мактаб биносини кўздан кечириб, мактабларнинг қурилиши ва моддий базасини янада яхшилаш бўйича қимматли маслаҳатлар бердилар.

"Имом ал-Бухорий сабоқлари" журналининг нашр этилиши эса мустақил Ватанимизнинг илмий-маънавий-маърифий ҳаётидаги сезиларли воқеалардан бири бўлди дейиш мумкин.

ТАЪЛИМ ИСТИҚБОЛИНИНГ МУҲИМ АСОСЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Юқорида тилга олинган ютуқларга эришишимизда вояга етмаганлар билан ишлаш республика комиссияси, Молия вазирлиги, Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, республика прокуратураси ва яна бир қатор республика ташкилот ва идораларининг таълим-тарбияни умумишимиз дея тушунганлиги ҳамда унинг тараққиёти йўлида биз билан баҳамжиҳатликда фаолият кўрсатганлиги муҳим омил бўлиб хизмат қилди.

Айни пайтда таълим объектларини қуриб фойдаланишга топширишда оталиқ ва ҳомий ташкилотлар маблағларини йўналтириш бўйича ҳам анчагина ишлар амалга оширилди. Олмалиқ тоғ металлургия комбинати, "Рангли металлар" акционерлик бирлашмаси, "Оролбўйи" дирекцияси, Каттақўрғон гўшт ва дон комбинати, Муборак газни қайта ишлаш заводи, Бухоро текстил комбинати, Узун туманидаги темир-бетон заводи ва бошқа жуда кўплаб корхона ва ташкилотлар жамоалари таълим муассасалари моддий базасини ривожлантиришга ўз ҳиссаларини қўшдилар. Таълим муассасаларини қуриб фойдаланишга топширишдек саховатли ишдан тадбиркорлар, фермерлар ва бошқа юридик шахслар ҳам четда қолмадилар. Улар томонидан кўплаб янги мактаб бинолари қурилиб, фойдаланишга топширишди. Масалан, Тошкент вилояти Зангиота туманида фаолият кўрсатаётган тадбиркор Аброр Жўраев Назарбек қишлоғида 320 ўринли, Самарқанд вилояти Булунғур туманида тадбиркор М.Шодмонов шу тумандаги 29-мактаб учун барча қулайликларга эга 240 ўринли қўшимча бино, Наманган вилояти Тўрақўрғон туманида фаолият кўрсатаётган "Имкон" фирмаси раҳбари Муҳаммаджон Назаров Найманча қишлоғида 240 ўринли янги мактаб, Жиззах вилоятида фаолият кўрсатаётган "Ахмат ота" хусусий фирмаси (раҳбари А.Исмоилов) Жиззах туманидаги 1-мактаб учун барча талабларга жавоб бера оладиган спорт зали биносини қуриб бердилар.

Шуни мамнуният билан таъкидлаш жоизки, жонажон **Республикамизнинг 10 йиллиги байрамига тўёна сифатида шу йилнинг 1 сентябригача хўжалик, корхона ва ташкилотлар, тадбиркорлар, фермерлар, юридик шахслар томонидан 20574 ўқувчига мўлжалланган 52 та янги мактаб бинолари ва мактабларга қўшимча бинолар қуриб фойдаланишга топширилиши мўлжалланмоқда.** Масалан, Денов тумани И.Тўраев жамоа хўжалиги шу ҳудуддаги 15-мактаб учун 320 ўринли янги мактаб биносини қуриб бермоқда. Андижон вилояти Марҳамат туманидаги "Бобур" ширкатлар уюшмаси 29-мактаб учун барча қулайликларга эга 350 ўринли янги мактаб биносини мустақиллик кунигача ишга туширишни мўлжалламоқда. Қорақалпоғистон Республикаси Қораўзак туманидаги "Қуралла" деҳқон-фермер хўжалиги 22-авария ҳолатидаги мактаб ўрнига, 216 ўқувчига мўлжалланган янги бинонинг қурилиши ва моддий базасини янада яхшилаш бўйича қимматли маслаҳатлар бердилар. Умумтаълим мактаблари моддий базасини яхшилаш ҳамда улар учун замонавий бинолар қуришга катта асос бўлиб қоладиган ушбу тавсиялар жойларда, жумладан Қашқадарё, Наманган, Бухоро, Андижон вилоятлари ҳокимликлари томонидан биринчилардан бўлиб 2001-2005 йилларда умумий ўрта таълим мактаблари моддий-техника базасини ривожлантириш, авария ҳолатидаги мактаблар ўрнига янги бинолар қуриш, ичимлик суви билан таъминлаш, газлаштириш, телефон алоқасини ўрнатиш каби масалаларни ўз ичига олган дастур ишлаб чиқилиб, вилоят ҳокими қарори билан тасдиқланишига сабаб бўлди. Вазирлик Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгаши, Тошкент шаҳри ва барча вилоятлар ҳокимликлари билан ҳамкорликда худди шундай қарорлар қабул қилиш бўйича иш олиб бормоқда.

Дарҳақиқат, таълим тизимининг моддий-техника базасини яхшилаш бўйича жойларда бир қатор ибратли тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Бухоро вилоятида вилоят ҳокими иштирокида мактабларга амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида ҳар ойда бир маротаба "Мактаблар куни" ўтказиб келинмоқда. Наманган вилоятида эса бевосита маҳаллий ҳокимликларнинг ва ҳомий ташкилотларнинг амалий ёрдамида 7 та туманда "Соғлом авлод маркази" ташкил этилиб ўқувчиларнинг бўш вақтлари мазмунли ўтказиб келинмоқда. Бундай ташаббуслар бошқа вилоятларда ҳам мавжуд.

"Таълим тўғрисида"ги қонуннинг 26-моддасида таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органи ҳисобланган халқ таълими вазирлигининг ҳуқуқ доирасига таълим соҳасида ягона давлат сиёсатини рўёбга чиқариш, таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш ва услуб масалаларида уларга раҳбарлик қилиш каби масалалар киради.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талабларига кўра, биз босқичма-босқич тўққиз йиллик умумий ўрта таълимга ўтамиз. 9-синф битирувчиларининг эса маълум бир фоизи академик лицейларга, аксарият қисми касб-ҳунар коллежларида ўқишни давом эттиришади. Шунга кўра, Юртбошимизнинг Қамаши туманида бўлганида берган кўрсатмасига биноан келгуси йилларда тўққиз йиллик умумтаълим мактаблари учун 200, 350, 420, 560, 700, 840 ўринли янги мактаб биноларининг базавий лойиҳасини тайёрламоқда. Ушбу лойиҳани амалга ошириш учун Молия вазирлиги зарур маблағ ажратишни мўлжаллаган.

Маълумки, қуриб фойдаланишга топширилган таълим объектларини мебеллар, жиҳозлар, кўргазмали ва техник ўқув воситалари билан етарлича таъминлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бу соҳадаги ишларни тартибга келтириш мақсадида 1996 йилда вазирлик томонидан янги қурилиб фойдаланишга топириладиган таълим объектларини жиҳозлаш меъёрлари ишлаб чиқилиб, буюртмачиларга етказилган эди. Очиқ эътироф этиш керакки, бу масала йиллар давомида етимини топмади. Буюртмачилар, гарчи шундай воситаларни харид қилишга кетадиган сарф-харажатлар таълим бинолари қурилишининг лойиҳа-сметасига киритилганига қарамай, маблағ етишмаслигини баҳона қилиб, янги қуриб ишга туширилган мактабларни зарур жиҳозлар билан таъминлашни ўз ҳолига ташлаб қўйдилар. Республика ҳукуматининг бевосита ёрдами билан охирги йилларда, айниқса, 2001 йилда аҳвол ижобий томонга ўзгарди. Халқ таълими вазирлиги томонидан мактабларга ўрнатиладиган ўқув мебелларига, жумладан, ўқувчилар столи ва стули (комплект) ҳамда синф доскасига қўйиладиган талаблар ишлаб чиқилиб, Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланди. Жорий йилда республикада фаолият кўрсатаётган мактабларга таълим стандартларига ва санитария қоидаларига мос келадиган тендер савдолари асосида танлаб олинган сифатли парта, доска, стол, стул, китоб жавонлари етказилиб берилиши йўлга қўйилди.

Республика ҳукуматининг таълим муассасаларига кўрсатаётган алоҳида ғамхўрлиги туфайли 1996-2001 йилларда 516 та таълим муассасалари тоза ичимлик суви билан таъминланди, 1868 та таълим объектлари эса табиий газ тармоқларига уланди.

Кейинги йилларда умумий ўрта таълим мактабларини компьютер техникаси билан таъминлашда сифат жиҳатидан ўзгаришлар рўй берди. Замонавий талабларга жавоб бера оладиган IBM русумли компьютер синфлари билан жиҳозланган мактаблар сони 800 тадан ошиб кетди, информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари фани бўйича ўзбек тилида дарсликлар чоп этилди.

XXI аср компьютер асри деб юритилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 23 майдаги "2001-2005 йилларда компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш, "Интернет"нинг халқаро ахборот тизимларига кенг кириб боришини таъминлаш дастурини ишлаб чиқишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 230-сонли қарорига мувофиқ 2001-2005 йилларда умумий ўрта таълим мактаблари ўқув жараёнида замонавий компьютер ва ахборот технологияларини кенг жорий этиш, тегишли таълим стандартларини ишлаб чиқиш вазифаси юклатилган. Ушбу кўрсатмага мувофиқ таълим тизимини компьютерлаштириш ишлари ривожланади. "Интернет" тармоғига уланиш ва масофадан ўқитиш тизимини йўлга қўйиш учун, албатта, телефон алоқасини тиклашни давр тақозо этмоқда. Ҳозирги кунда мавжуд умумий ўрта таълим мактаблари 43 фоизи телефонлаштирилмаган. Юқорида қайд этилган ҳокимлар томонидан тасдиқланган дастурларда мавжуд телефонлаштирилмаган мактабларга телефон алоқаси ўрнатиш вазифаси ҳам ўз аксини топган. Мазкур дастурга мувофиқ мавжуд 144 та мактаб ўрнига янгилари қурилади, 3 мингдан зиёд мактаблар тоза ичимлик суви билан, 2 мингга яқин мактабларга телефон алоқаси ўрнатилади, кўплаб мактаблар спорт зали ва ошхоналарга эга бўлишади.

Халқ таълими ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим тизимини ислоҳ қилишга кўмаклашиш **Тасис EDUZ 9602 лойиҳасига биноан 3 та ахборот маркази, 6 та мактаблар, 2 та вилоят халқ таълими бошқармалари, вазирлик ва Республика ўқув методик маркази учун компьютерлар, нусха кўпайтириш техникаси олиниб, ушбу объектлар Интернет тармоғига уланди.** Вазирлик ва ҳудудий бошқармаларда модем қурилмаси ўрнатилиб, тезкор ахборот алмашиш жорий этилди.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан бошлаб ҳукуматимиз томонидан ўқитувчилар ва бошқа педагог ходимларга катта ғамхўрликлар қилина бошланди. Жумладан, Президентимиз томонидан давлат тасарруфидаги таълим муассасалари ходимларининг ижтимоий шароитларини яхшилаш ва уларга имтиёзлар бериш борасида бир қанча Фармонлар ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари қабул қилинди.

Мамлакатимиз мустақиллигининг 10 йили мобайнида республикамизнинг 119 мингга яқин педагог ходимлари ўзлари яшаётган давлат уйларини, 24,5 мингга яқин педагог ходимлари эса ташкилотлар тасарруфидаги уйларни бепул хусусийлаштириб олдилар. 47 мингдан зиёд педагог ходимларга эса шахсий қурилиш учун ер майдонлари ажратиб берилди.

Булардан ташқари педагог ходимларга белгиланган барча имтиёз (сув, газ, электр энергияси ва иссиқлик)лардан халқ таълими тизимидаги (нафақахўрлар билан) 530 минг нафар ходимлар баҳраманд бўлишмоқда.

Таълим муассасаларини янги ўқув йилига ҳамда қузнинг қурилиши ва моддий базасини янада яхшилаш бўйича қимматли маслаҳатлар бердилар. Самарқанд вилояти Ургут туманидаги ака-ука тадбиркорлар Саидмурод ва Акбар Нуруллаевлар Ғўс қишлоғидаги 30-мактаб учун 360 ўринли янги бино қурилишини битказиб, фойдаланишга топширдилар. Самарқанд вилоятининг Нуробод туманида истиқомат қилувчи нафақахўр Омонтош ҳожи Мавлонов эса Улус жамоа хўжалиги худудидаги 71-мактабга 150 ўринли қўшимча бино қуриб берди. Республикамизда бундай олийҳиммат ташаббускорлар юзлаб топилади.

Бугунги кунда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг I босқичи (1997-2001 йиллар) да амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилиниб, II босқичдаги (2001-2005 йиллар) вазифаларни рўёбга чиқаришга киришилди. Дастурнинг II босқичида белгиланган вазифаларининг асосийларидан бири таълим муассасаларининг моддий-техника ва ахборот базасини мустаҳкамлаш ишларини давом эттиришдир. Президентимиз Ислом Каримов шу йилнинг 9 июнида Қашқадарё вилоятига сафари чоғида Қамаши туманида янги қурилаётган мактаб биносини кўздан кечириб, мактабларнинг моддий базасини янада яхшилаш бўйича қимматли маслаҳатлар берди.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан бошлаб ҳукуматимиз томонидан ўқитувчилар ва бошқа педагог ходимларга катта ғамхўрликлар қилина бошланди. Жумладан, Президентимиз томонидан давлат тасарруфидаги таълим муассасалари ходимларининг ижтимоий шароитларини яхшилаш ва уларга имтиёзлар бериш борасида бир қанча Фармонлар ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари қабул қилинди.

Мамлакатимиз мустақиллигининг 10 йили мобайнида республикамизнинг 119 мингга яқин педагог ходимлари ўзлари яшаётган давлат уйларини, 24,5 мингга яқин педагог ходимлари эса ташкилотлар тасарруфидаги уйларни бепул хусусийлаштириб олдилар. 47 мингдан зиёд педагог ходимларга эса шахсий қурилиш учун ер майдонлари ажратиб берилди.

Булардан ташқари педагог ходимларга белгиланган барча имтиёз (сув, газ, электр энергияси ва иссиқлик)лардан халқ таълими тизимидаги (нафақахўрлар билан) 530 минг нафар ходимлар баҳраманд бўлишмоқда.

Таълим муассасаларини янги ўқув йилига ҳамда қузнинг қурилиши ва моддий базасини янада яхшилаш бўйича қимматли маслаҳатлар бердилар. Умумтаълим мактаблари моддий базасини яхшилаш ҳамда улар учун замонавий бинолар қуришга катта асос бўлиб қоладиган ушбу тавсиялар жойларда, жумладан Қашқадарё, Наманган, Бухоро, Андижон вилоятлари ҳокимликлари томонидан биринчилардан бўлиб 2001-2005 йилларда умумий ўрта таълим мактаблари моддий-техника базасини ривожлантириш, авария ҳолатидаги мактаблар ўрнига янги бинолар қуриш, ичимлик суви билан таъминлаш, газлаштириш, телефон алоқасини ўрнатиш каби масалаларни ўз ичига олган дастур ишлаб чиқилиб, вилоят ҳокими қарори билан тасдиқланишига сабаб бўлди. Вазирлик Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгаши, Тошкент шаҳри ва барча вилоятлар ҳокимликлари билан ҳамкорликда худди шундай қарорлар қабул қилиш бўйича иш олиб бормоқда.

Дарҳақиқат, таълим тизимининг моддий-техника базасини яхшилаш бўйича жойларда бир қатор ибратли тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Бухоро вилоятида вилоят ҳокими иштирокида мактабларга амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида ҳар ойда бир маротаба "Мактаблар куни" ўтказиб келинмоқда. Наманган вилоятида эса бевосита маҳаллий ҳокимликларнинг ва ҳомий ташкилотларнинг амалий ёрдамида 7 та туманда "Соғлом авлод маркази" ташкил этилиб ўқувчиларнинг бўш вақтлари мазмунли ўтказиб келинмоқда. Бундай ташаббуслар бошқа вилоятларда ҳам мавжуд.

"Таълим тўғрисида"ги қонуннинг 26-моддасида таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органи ҳисобланган халқ таълими вазирлигининг ҳуқуқ доирасига таълим соҳасида ягона давлат сиёсатини рўёбга чиқариш, таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш ва услуб масалаларида уларга раҳбарлик қилиш каби масалалар киради.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талабларига кўра, биз босқичма-босқич тўққиз йиллик умумий ўрта таълимга ўтамиз. 9-синф битирувчиларининг эса маълум бир фоизи академик лицейларга, аксарият қисми касб-ҳунар коллежларида ўқишни давом эттиришади. Шунга кўра, Юртбошимизнинг Қамаши туманида бўлганида берган кўрсатмасига биноан келгуси йилларда тўққиз йиллик умумтаълим мактаблари учун 200, 350, 420, 560, 700, 840 ўринли янги мактаб биноларининг базавий лойиҳасини тайёрламоқда. Ушбу лойиҳани амалга ошириш учун Молия вазирлиги зарур маблағ ажратишни мўлжаллаган.

Маълумки, қуриб фойдаланишга топширилган таълим объектларини мебеллар, жиҳозлар, кўргазмали ва техник ўқув воситалари билан етарлича таъминлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бу соҳадаги ишларни тартибга келтириш мақсадида 1996 йилда вазирлик томонидан янги қурилиб фойдаланишга топириладиган таълим объектларини жиҳозлаш меъёрлари ишлаб чиқилиб, буюртмачиларга етказилган эди. Очиқ эътироф этиш керакки, бу масала йиллар давомида етимини топмади. Буюртмачилар, гарчи шундай воситаларни харид қилишга кетадиган сарф-харажатлар таълим бинолари қурилишининг лойиҳа-сметасига киритилганига қарамай, маблағ етишмаслигини баҳона қилиб, янги қуриб ишга туширилган мактабларни зарур жиҳозлар билан таъминлашни ўз ҳолига ташлаб қўйдилар. Республика ҳукуматининг бевосита ёрдами билан охирги йилларда, айниқса, 2001 йилда аҳвол ижобий томонга ўзгарди. Халқ таълими вазирлиги томонидан мактабларга ўрнатиладиган ўқув мебелларига, жумладан, ўқувчилар столи ва стули (комплект) ҳамда синф доскасига қўйиладиган талаблар ишлаб чиқилиб, Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланди. Жорий йилда республикада фаолият кўрсатаётган мактабларга таълим стандартларига ва санитария қоидаларига мос келадиган тендер савдолари асосида танлаб олинган сифатли парта, доска, стол, стул, китоб жавонлари етказилиб берилиши йўлга қўйил

Шуниси қувонарлики, болалар дунёқарашини маънан бойитиш учун бу ерда кутубхона ташкил этилиб, унга 500 дан ортиқ турли хил китоблар жамланган.

Унда ўқувчилар ўртасида техник спорт турлари бўйича ғолиб командалар ва йигирма йўналиш бўйича ғолибликни қўлга киритган ўқувчилар Ўзбекистон Республикаси ХТВ ҳамда тегишли ташкилотларнинг фахрий ёрлиқлари, кубоги, қимматбаҳо совғалари билан тақдирландилар.

Ma'rifat

БАРКАМОЛЛИК АСОСИ

Андижон вилоят халқ таълими бошқармасида бўлиб ўтган йиғилиш "Умид ниҳоллари" ўйинларини муваффақиятли ўтказиш, мусобақаларнинг оммавийлигини таъминлаш, ҳар бир мутахассис ва мутасаддининг масъуллигини ошириш масалаларига бағишланди. Бошқарма бошлиғи Т.Мирзаев ўтказиладиган мусобақалар энг қуйидан — яъни синфлардан бошланиши, мусобақалардан бирорта ҳам ўқувчи четда қолмаслигини, туғилган муаммолар ўша жойнинг ўзида ҳал этилишини таъкидлаб ўтди. Сўзга чиққан спорт мутахассислари, мураббийлар, раҳбарлар мусобақаларнинг энг муҳим томонларига тўхталиб ўтдилар. Йиғилиш иштирокчиларига маслаҳатлар ва йўл-йўриқлар берилди.

"Умид ниҳоллари" мусобақаларида вилоятнинг 530 мингдан зиёд мактаб ўқувчиси иштирок этади. Бу катта ва масъулиятли тадбирни кўнгилдагидек ўтказиш, илгариги натижалардан яхшироқ натижаларга эришиш учун астойдил ҳаракат қилиш лозим. Шунинг учун вилоятнинг барча туман ва шаҳарларида "Умид ниҳоллари" мусобақаларини ўтказишга бағишланган йиғилишлар ўтказилмоқда. Асака, Олтинкўл, Избоскан, Бўз туманларида ва Асака шаҳрида худди шундай йиғилишлар бўлиб ўтди.

О.СИДДИҚОВ

СПАРТАКИАДАГА ЭЪТИБОР СЎНМАСИН

Ҳар бир ота-она, қолаверса, ҳукуматимиз ёшларга эътиборни янада кучайтирмоқда. Айтиш жоизки, бу борада жойларда кўплаб тадбирлар, мусобақалар ўтказиб келинмоқда.

Шулардан бири ўқувчилар ўртасида техник спорт турлари бўйича республика спартакиадасидир. Яқинда ушбу мусобақа мустақиллигимизнинг 10 йиллигига бағишлаб пойтахтимизда ўтказилди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар, Тошкент шаҳри ҳамда Қирғизистондан келган 500 дан ортиқ ўқувчи-ёшлар иштирок этди. Улар спортнинг автокўпкураш, ёш фазогирлар, автомодель, кемасозлик, авиамодел мусобақалари бўйича баҳс олиб бордилар.

Аввало спартакиада тафсилоти хусусида мулоҳаза юритсак. Шуни таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, республика ўқувчилар техник ижодиёти ва ихтиролари маркази, Мудофаа ишларига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" жамияти ҳамда тегишли ташкилот, жам-ғармалар билан ҳамкорликда ташкиллаштирилган мусобақа ҳар йилгига нисбатан юқори савияда ўтди, десак муболаға бўлмайди. Иштирокчилар беллашув мобайнида ўзларига юклатилган вазифани вақтида, сифатли бажаришга ҳаракат қилишди. Улар нафақат маънавий томондан, балки жисмонан анча бақувват эканликлари, спартакиадага астойдил тайёргарлик кўрганликлари яққол кўриниб турарди.

— Мусобақадан кўпгина билим ва тажриба орттирдим, - дейди Қўқон шаҳри 20-мактаб ўқувчиси, ҳаво жанги йўналиши бўйича I-ўрин соҳиби Дамир Тагиров. — Мақсадим, тўплаган тажрибаларни амалиётда қўллаб, иш услубимни янада мустаҳкамлашдан иборат.

Тўрт кун давом этган мусобақа ҳақиқий дўстона руҳда, тафсилотларга бой бўлди. Ҳар кунги беллашувдан сўнг иштирокчиларга саёҳатлар уюштирилди. Улар пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойларини томоша қилдилар. Турли бадиий кечалар, қизиқарли танловлар ўтказилиши ўқувчилар бўш вақтининг мазмунли ўтишига туртки бўлди.

— Спартакиада менда катта таассурот қолдирди, — дейди суҳбат чоғида Бишкек шаҳри 8-мактаб ўқувчиси, автокўпкураш мусобақасида иккинчи ўринни эгаллаган Роман Пермяков. — Айниқса, ташкилотчиларнинг бизга бўлган эътибори, яратилган шарт-шароитлардан мамнунман. Мен учун ушбу беллашув нафақат байрам, балки унутилмас воқеага айланди. Истагим, ўзбек дўстларим билан ҳар томонлама алоқани мустаҳкамлаш.

Дарҳақиқат, бундай илиқ сўзларни ҳар бир иштирокчининг юзидаги табассум ва ҳаяжондан билса бўларди. Биз уларнинг самимий истак ҳамда хулосаларини қоғозга бирма-бир туширишни лозим топмадик. Сабаби, бусиз ҳам мусобақа кенг миқёсда ўтказилгани барчага маълум.

Байрамона кайфиятда ўтган беллашувда умумкоманда ҳисоби бўйича Самарқанд вилояти биринчи, Тошкент шаҳри иккинчи ҳамда андижонлик ёш ўқувчилар учинчи ўринни эгаллашди.

Спартакиада сўнгида иштирокчиларни мукофотлаш маросими ўтказилди. Унда ўқувчилар ўртасида техник спорт турлари бўйича ғолиб командалар ва йигирма йўналиш бўйича ғолибликни қўлга киритган ўқувчилар Ўзбекистон Республикаси ХТВ ҳамда тегишли ташкилотларнинг фахрий ёрлиқлари, кубоги, қимматбаҳо совғалари билан тақдирландилар. Шахсий биринчиликда ғолибларни тайёрлаган раҳбарларга ҳам эсдалик совғалари топширилди. Ҳар бир иштирокчи "Спартакиада қатнашчиси" деган гувоҳнома эгаси бўлди.

Мусобақа тугади. Энди биз мақоланинг хулоса қисмида спартакиаданинг баъзи муҳим жиҳатлари ҳақида қисқача тўхталиб ўтишни лозим топдик. Токи, у ҳар бир ўқувчида янада қизиқиш, интилиш уйғотсин. Гап шундаки, мустақилликдан сўнг ташкил этилган ушбу спартакиада Марказий Осиё давлатлари орасида фақатгина Ўзбекистонда ўтказиляпти. Шунингдек, Осиё қитъасидаги элликка яқин давлатлардан фақат Японияда кенг миқёсда ривожланган. У ерда бир неча йиллардан буён спортнинг кўпгина турлари бўйича оммавий ана шундай спартакиада мусобақаси ўтказилади. Унда нафақат Осиё минтақаси, балки Европа давлатларидан ҳам ўқувчи-ёшлар иштирок этади.

Республикамизда эса бу борада дастлабки қадамлар ташланиб, саъй-ҳаракат, изланишлар олиб борилмоқда. Демак, бизда имкониятлар етарли. Буни фақат ўз ўрнида, тўғри йўналтира билмоғимиз лозим. Ўйлаймизки, катта умид ва орзулар билан ўтказилаётган спартакиада анъанавий тарзда давом этади.

Беҳбуд БОТИРОВ

Xullas...

ЎҚИГАН МИЛЛИОНЕР БЎЛАДИ!

Ўқиганлар кўпроқ пул топишадими ёки ўқимаганлар? "Ўқимаганлар" деб жавоб берганлар хато қилишади. Англияда ота-оналарнинг уз фарзандлари қулоғига муттасил қуядиган битта гапи бор: "Мактабда яхши ўқисанг, кўп фикрласанг, дарс қолдирмасанг, миллионер бўласан".

Ота-онасининг шундай ўгитлари билан улғайган Жудит Кеппел эришган муваффақият бунинг нақадар ҳаққоний эканлигини курсатди. Кўп ўқиган дизайнер "Ким миллионер булишни истайди?" номли телевикторинада барча саволларга тўғри, аниқ жавоб бериб, 1 млн. фунт стерлинг ютиб олди. Қайси газета-журнални олиб варақламанг, Кеппел хонимнинг кулиб турган чеҳраси! Бир лаҳзадаги машҳурлик, шон-шуҳрат! Бунга ким ҳавас қилмайди? Миллионер аёлга нисбатан қизиқиш ва ҳурмат марҳума малика Дианага бўлган эътиқод билан тенглашди!

Ўқимаган, билимсиз кишини саволлар қуршовида қолдириб кўринг-чи, қандай аҳволга тушаркан? Россия телевидениясининг орқали намойиш қилинаётган "Кто хочет стать миллионером!" телеўйинига таклиф қилинаётганлар ичида ҳам "ўқиганлар" минглаб рубллар соҳиби бўлишмоқда.

Демак, ўқиганларнинг умри ҳамиша зиёда бўлади.

200 ҚАВАТЛИ БИНО

Буни тасаввурингизга ҳам сиғдиролмайсиз. Гўёки осмонга яқинлашиб қолаёзган бино қайси давлатда бунёд этилаётганидан хабарингиз бўлмаса керак.

Агар Японияда, деб ўйлаган бўлсангиз, янглишмадингиз. Токиодаги "Кадзима" қурилиш бирлашмаси 200 қаватли бино қуришни режалаштирди. Иморат тўрт қатламдан иборат бўлиб, умумий майдони 67,6 квадрат метрни ташкил қилади. Унинг макетини чизган япон меъморига қанча вақт керак бўлди экан?

Тикланажак бино универсал характерга эга. Яъни унда меҳмонхона, маданий-маиший идоралар — компания ва муассасалар, уй-жой мажмуалари жойлашади. Ер остида жойлашган етти қавати эса автомобиллар, гаражлар, канализация ва ҳоказолар учун.

Ҳисоб-китобларга кўра, 200 қаватли бино қурилишига 1 трлн. иен сарфланади. Баландлиги 800 метрдан иборат осмонўпар бинони 7 йилда битириш мўлжалланган.

БУЮК ШАХСНИНГ СЎНГГИ ХАТОСИ

Миқтидан келган Наполеон Бонапарт ҳақида турли миш-мишлар юради. Аммо буларнинг ҳаммаси ҳам миш-миш, яъни ёлғон-ростлиги номаълум гаплардир.

1816 йилда Франциянинг собиқ императори муқаддас Елена оролига сургун қилинган эди. Содиқ дўстларидан бири совга қилган шахмат Наполеон Бонапартни зериктирмасди. У ҳар куни шахмат тахтаси устига доналарни қўйиб, ўзи билан ўзи шатранж ўйнарди.

Императорнинг улимидан сўнг бу шахмат билан кимлар ўйнамади? Қўлдан-қўлга ўтган ақлни пешловчи тахта доналаридан бирининг ости очиқ эканлигини ва унга Наполеоннинг оролдан қочиш режаси битилганини ҳеч ким билмаган. На Наполеон, на бу доналарни юзлаб марта қўлида ушлаган бошқа ўйинчилар.

Дўстининг нияти Наполеонни қутқариш эди, афсуски, буюк шахс бу чорани сезмаган ва англаб етмасдан хатога йўл қўйган...

ana shunaqa gaplar...

2000 йилда 1-Тошкент педагогика билим юрти томонидан Йўлдошева Шаҳноза Қобиловна номига берилган 385029 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Sport maydonchasi

ЎЗБЕКИСТОНДА ЯНГИ ТУРНИР

Ўзбекистон теннис федерацияси ва БМТнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ташаббуси билан шу йил 27 августдан 1 сентябрга қадар Ўзбекистон Миллий банки спорт мажмуида "БМТ Кубоги" халқаро ўсмирлар теннис турнири бўлиб ўтади. Ушбу турнир келажакда ҳар йили анъанавий тарзда ўтказилади.

"ART-FUTBALL — 2001" ЎТКАЗИЛМАЙДИ

Эртага Москвада ўтказилиши лозим бўлган футбол бўйича артистлар ўртасидаги Халқаро жаҳон чемпионати бекор қилинди. Чемпионат ташкилотчиларининг билдиришича, маблағ муаммосининг ўз вақтида ҳал қилинмагани ушбу мусобақаларни камида 1 йилга кечиктиради. Биринчи бор ўтказилаётган ўйинларда 16 мамлакатдан 500 нафар санъат юлдузлари иштирок этиши лозим эди.

ШУМАХЕР КЕЛТИРГАН ДАРОМАД

Венгрияда "Гран-при" туркумидаги автопойгаларнинг жаҳон чемпионати дастури бўйича навбатдаги босқичи бўлиб ўтди. Михаил Шумахер мезбон мамлакат ғазнасига 60 млн. доллар фойда келтирди. Пойгаларни кўриш учун чипта сотиб олган 150 минг томошабин айнан шу спортчининг мухлислари эди.

ТЕННИС ТАСНИФИДА ЎЗГАРИШ

Аёллар теннис таснифида Торанто турнири натижаларига кўра, вазият ўзгарди. Ушбу турнир финалида Серена Уильямса ютқазиб қўйган америкалик Дженнифер Каприатти Линдсей Девенпорт билан "жой алмашди" ва 2-ўринни банд этди. Жадвални ҳамон швейцариялик Мартина Хингис бошқармоқда.

БАДЖОНИНГ ЖАРОҲАТИ ЖИДДИЙ

"Брешия" клуби ўйинчиси Роберто Баджо Интертото кубоги учун кечаётган бахсларнинг навбатдагисида майдонга тушмайди. "Пари-Сен-Жермен" билан бўладиган жавоб учрашувида мураббий жамоанинг бошқа футболчиларига суянишга мажбур. Чунки Баджонинг жароҳати жиддий.

ОСМОН ОСТИДА

Асл зотим экан одамзот,
Юрагимда айланмиш ҳаёт.
Ажабландим, бўзладим ҳайҳот,
Бу юмалоқ осмон остида.

Бир қарасам гўзал мафтункор,
Оҳангграбо аллалари бор,
Босган изим бўлмиш чаманзор,
Бу юмалоқ осмон остида.

Бир адашдим, дунёга боқдим,
Гамни ёқдим, аламни ёқдим.
Армонлардан гулчамбар тақдим
Бу юмалоқ осмон остида.

Лекин бахт ҳам берди Оллоҳим —
Фарзандларим бахтим, қанотим.
Отам-онам буюк паноҳим,
Бу юмалоқ осмон остида.

Ватан номли улуғ саждагоҳ,
Жонзот борки бўлмиш у паноҳ.
Бордир ҳаёт номли олийгоҳ,
Бу юмалоқ осмон остида.

ЮРТИМ МАДҲИ

Оиласи файзли юртнинг,
Аёллари азизу ўктам.
Соғлом авлод улғаяр бунда,
Илм сари интилар ҳар дам.

Шундан ёруғ толе юлдузи,
Зиёсидан нурли осмон ҳам.
Салобатли ҳар ўғил-қизи,
Қудратин тан олмиш жаҳон ҳам.

Фозил эрлар яшар юртимда,
Бунда тинчлик энг олий тилак.
Юрт иқболи сари курашар,
Бунда урган ҳар эзгу юрак.

Гулноза ИСЛОМ қизи,
Янгиқўрғон туманидаги
41-мактаб
ўқитувчиси

ҚОРАҚАЛПОҚ ЎҚУВЧИЛАРИГА ЁҚҚАН ОРОМГОҲ

Биз оромгоҳга ташриф буюрган кун дам олувчилар унинг ёпилиш маросимига қизғин тайёргарлик кўраётган экан. Маросим ўтказиладиган майдон ўртасига гулхан ёқиш учун шох-шаббалар уйилган, майдон чеккаларига текис оқ чизиқлар тортилган. Оромгоҳнинг салқин йўлакларидан кириб келар эканмиз, бизни оромгоҳ бошлиғи Исмоил Матҳолиқов болаларча қувноқлик билан қарши олди. Исмоил ака оромгоҳ Қўрғонтепа тумани пахта тозалаш хиссадорлик жамиятига қарашли эканини айтиб ўтганида, шу сабабдан унинг номи "Пахтаой"-микан дея хаёлландим, чиндан ҳам шундай экан.

Биз тўлиқроқ маълумот олиш мақсадида оромгоҳ бош етакчиси Нодирахон Маметова билан ҳамсуҳбат бўлдик. Суҳбатдан қуйидагилар маълум бўлдики, дам олувчиларни озиқ-овқат билан таъминлаш, ётоқхона, ошхона ва чўмилиш ҳавзаларини янгидан таъмирлашда тумандаги ширкат хўжаликларининг хизматлари беқиёс. Бу йилги мавсумда 854 нафар ўқувчи мароқли дам олган. Шуниси қувонарлики, болалар дунёқарашини маънан бойитиш учун бу ерда кутубхона ташкил этилиб, унга 500 дан ортиқ турли хил китоблар жамланган. Маънавиятмаърифат маркази ҳам ҳар уч босқичда фаол ишлаб турди.

Бундан ташқари тумандаги ўсмирлар уйидан мутахассислар келиб, оромгоҳда рақс, хор, қўғирчоқ театри ва спорт тўгаракларини мунтазам олиб бориб турди. Ўқувчилар томонидан "Заковат", "Рақслар гулдастаси", "Истеъдодларни излаймиз", "Оромгоҳ маликаси", "Она ва бола — дунё шодлиги" мавзуларида қувноқ тадбирлар ўтказиб борилди. Шифокорлар эса ўғил ва қизларга гигиеник маслаҳатлар бериб боришди. Тарбиячилардан Гулчеҳра Акромова, Ҳамида Ҳошимова, Муқаддас Турсунова, Ҳамроҳон Яҳёевалар мавсум мобайнида фаол хизмат қилдилар. Болаларга ширин, мазали таомлар тайёрлашда Баҳодир Матҳолиқов бошчилигидаги ошпазлар гуруҳи хизмат қилди.

Юқорида айтилганидек, оромгоҳда 150 нафар қорақалпоқ ўқувчилари хордиқ чиқариб, андижонлик ўқувчилар билан дўстлик алоқаларини ўрнатишди. Ҳар босқич давомида Қорақалпоғистон маданияти кунлари ўтказилгани мақтовга лойиқдир.

Хуллас, шу куни оромгоҳ ҳаёти билан яқиндан танишдик.

Болаларнинг қувончи чексиз бўлди. Уларнинг кўпчилиги келгуси йили ҳам қайтиб келишни ваъда қилиб, бир-бирлари билан ҳайрлашишди.

Муножат МЎМИНОВА,
ЎзМУ талабаси

ХАМАЙДИ, АММО БУ ЮМУҚ ЭМАС

Ҳар биримизнинг вазифамиз келажагимиз эгаси бўлган болалар ҳаётини, уларнинг хавфсизлигини таъминлаш, ҳимоя қилиш, болаларга қучли билим ва чиройли тарбия беришдир.

Оилада, мактабда, маҳалла-кўйда болалар катталардан турли маслаҳатлар олиб туришади, насиҳат тинглашади. Мана шу масалаҳату нисиҳатларнинг энг аввалида эса "кўчада ҳушёр бўлиб юр, орқа-олдингга қараб иш тут, йўлнинг у четига эҳтиёт бўлиб ўт, машина келаётганда кўчани кесиб ўтма" кабилар бўлади.

Автоулови бор кишилар баъзан йўл ҳаракати қоидаларига риоя этмайдилар, баъзан эса пиёдалар ҳам улардан ўтиб тушадиган даражада ҳаракатланиш йўл-йўриқларини унутиб қўядилар. Натижаси эса ҳаммага маълум.

Мана шундай ҳолатларга йўл қўймаслик учун, энг аввало, мактабгача таълим ёшидаги болалардан бошлаб катта ёшли ўқувчиларга ҳам йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлиги қоидаларини ўргатиб бориш зарур. Бу ишда юқорида таъкидлаганимиздек, оила, мактаб, маҳалла ва яна энг муҳими ДЙҲХ ходимларининг ҳамкорлиги сезиларли натижа беради.

Бу борада аҳвол қандай? Ўтган етти ой мобайнида республика бўйича болалар билан боғлиқ йўл-транспорт ҳодисалари 1419 тани ташкил этган. Вилоятларга назар солсак, Тошкент вилоятида 192 та, Андижон вилоятида 156 та, Самарқанд вилоятида 123 та, Фарғонада 167 та йўл-транспорт ҳодисаси содир этилган. Тошкент шаҳрида эса бу рақам 394 тани кўрсатади. Ўтган йилларга қараганда (2000 йилнинг етти ойида республика бўйича 1492 та эди) Қашқадарё, Тошкент, Хоразм вилоятларидан ташқари барча вилоятларда бу кўрсатгичлар қисман камайган. ДЙҲХ ходимлари томонидан пиёдаларнинг, жумладан болаларнинг йўлларда ҳаракатланишлари доимий назорат қилиб борилди.

Болаларнинг дам олиш масканларига бориб-келишлари, уларнинг қузатувисиз амалга оширилмади. Биргина жорий йилнинг ўзида 2127 та қузатувлар тайин этилиб, болалар ўз манзилларига соғ-саломат олиб бориб қўйилган.

Давлат Йўл Ҳаракати хавфсизлиги ходимлари етти ой давомида республика бўйича 9460 та мактабда бўлиб, ўқувчилар билан суҳбатлар ўтказишган. Жумладан, Наманган вилоятида 2839 марта, Фарғона вилоятида 2532 марта, Тошкент вилоятида 2492 марта мактабларда йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимлари суҳбатлар олиб боришган. Йўл ҳаракати хавфсизлиги ўқитилиши қандайлиги текширилган мактаблар сони республика бўйича 4685 та бўлган бўлса, бу ишлар яхши йўлга қўйилмаган, талаб даражасида бўлмаган мактаблар 364 тани ташкил этган. Халқ таълими бўлимларига 674 та тақдимнома берилган. Натижада болалар иштирокидаги йўл-транспорт ҳодисалари сонининг камайишига эришилган. Агар бошқа тизимлар, жумладан маҳаллалар, ота-оналар, мактаблар, мактабгача таълим муассасалари масъуллари бир ёқадан бош чиқариб болаларимизнинг йўлларда ҳаракатланишини назорат қилиб борса, натижа бундан ҳам яхши бўлиши шубҳасиз.

Болалар иштирокида содир бўлган йўл-транспорт ҳодисалари 7 ёшгача бўлган болалар ўртасида республика бўйича (ўтган етти ойда) 656 та деб қайд этилди. 7 ёшдан 15 ёшгача бўлган болалар ўртасида 784 та йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлган.

Рақамлар таҳлилидан кўриниб турибдики, кўплаб автомашиналар билан боғлиқ нохуш воқеалар 7 ёшдан 15 ёшгача бўлган болалар ўртасида содир этилар экан. Сабаби, ҳаммага аён. Бу ёшдаги болаларимиз ўзларининг бўш вақтларини кўчакўйда ўтказишга ҳаракат қилишади. Ота-оналаримиз уларга ишониб, қаровсиз қолдиришади. Болаларимизга йўлларда бефарқ ҳаракатда бўлмасликлари, уларнинг ҳаракатланиш маданиятини ўзлаштириб олишлари учун биз катталар ёрдам беришимиз керак.

Яқинда мактабларда янги ўқув йили бошланади. Мана шу даврда болалар эҳтиёт бўлишлари, йўлларда ҳушёр ва сергак бўлиб ҳаракатланишлари лозим. Ҳаракатланиш маданиятини эса ўқувчи-болаларга ўргатмоғимиз шартлигини биз катталар доимо эсда сақлашимиз даркор.

Шарифа МАДРАҲИМОВА

ХАЛҚ ТАЪЛИМИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

А.Авлоний номидаги ХТХМОМИ 2001 йилнинг сентябрь ойида қуйидаги тоифалар бўйича курсларни режалаштирган:

1. Мутахассислиги ўзбек тили ва адабиёти бўлган директорлар - ўзбек - 17-29
2. Мутахассислиги тарих-география бўлган директорлар - ўзбек - 3-15
3. Мутахассислиги биология бўлган директорлар - ўзбек - 17-29
4. Мутахассислиги математика ва информатика бўлган директорлар - ўзбек - 17-29
5. Мутахассислиги чет тили (рус, инглиз ва ҳоказо) бўлган директорлар - ўзбек - 17-29
6. Директорлик лавозимида 5 йилгача ишлаётганлар - ўзбек - 3-22
7. Туман(шаҳар) ХТБ табиий фанлар назоратчилари - ўзбек - 3-15
8. Туман(шаҳар) ХТБ химия-биология фанлари методистлари учун ДТС, УУТ ўқув дастури ва тестни таълим жараёнига татбиқ этиш - ўзбек - 3-15
9. Туман(шаҳар) ХТБ физика-математика фанлари методистлари учун ДТС, УУТ ўқув дастури ва тестни таълим жараёнига татбиқ этиш - ўзбек - 3-15
10. Туман(шаҳар) ХТБ тарих-география фанлари методистлари учун ДТС, УУТ ўқув дастури ва тестни таълим жараёнига татбиқ этиш - ўзбек - 17-29
11. Туман(шаҳар) ХТБ методистларини 9-синф геометрия фани ўқув қўлланмаси бўйича қайта тайёрлаш - ўзбек - 24-29
12. Туман(шаҳар) ХТБ табиий фанлар методистларини янги ахборот технологияларини қўллаб дарс утиш бўйича қайта тайёрлаш - ўзбек - 17-29
13. Туман(шаҳар) ХТБ таълим туркман тилида олиб бориладиган УУТ методистларини "Лотин ёзувига ўргатиш" бўйича маърузачилар курси (Қашқадарё вилояти) - ўзбек - 17-22
14. Мактаб амалиётчи психологлари - ўзбек - 3-15
15. ЧЁТ раҳбарлари курси - рус - 17-29
16. Спорт мактаби директор ўринбосарлари - ўзбек - 3-15
17. Ўқувчилар саройи ва БУИМ директорлари ўринбосарлари - ўзбек - 3-15
18. Кар ва заиф эшитувчи болалар мактаб-интернатлари эшитиш кабинет мудирлари - ўзбек - 3-15
19. Кўзи ожиз болалар мактаб-интернатлари бошланғич синф ўқитувчилари - ўзбек - 10-29

ЭСЛАТМАЛАР:

Тингловчилар учун Марказий институт тасарруфидаги кутубхона, қироатхона ва бепул ётоқхона бўлади. Курс харажатлари Марказий институт ҳисобидан тўланади. Тошкентга келиш йўлкира ҳақи фақат темир йўл ва автобус чипталари асосида тўланади. Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятлари тингловчилари учун шартнома бўйича ҳам йўлкира ҳақи тўланади, агарда у юридик жиҳатдан тасдиқланган ҳужжат тақдим этса (келиш жойидан). Курс давомида тингловчилар учун таниқли педагог олимлар ўқув-режа, дастур, стандартлар ҳақида маърузалар қиладилар, санъаткорлар, матбуот ходимлари билан учрашувлар ва Амир Темур музейи, Хотира, Шаҳидлар майдонлари ҳамда бошқа зиёраттоҳларга экскурсиялар уюштирилади.

Тингловчининг сафар гувоҳномасида юқорида қайд қилинган курслардан қайси бирига юборилгани ҳамда лавозими аниқ кўрсатилган бўлиши ва режада кўрсатилган муддатда етиб келишлари шарт, акс ҳолда тингловчилар курсларга қабул қилинмайди ва қайтариб юборилади.

Тоифага мос келмаган тингловчиларни қайтарилганда, сафар харажатлари тўланмайди.

Кечикиб келган тингловчилар истисно тариқасида ўқиган кунлари учун фақат маълумотнома бериш шарти билан қабул қилиниши мумкин.

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент—95. Талабалар шаҳарчаси, Саидов кўчаси, 6-уй. Транспорт: Шимолий темир йўл вокзалидан 20-троллейбуснинг Талабалар шаҳарчаси бекатигача.

Ҳурматли Ҳафизахон Ғаниева!

Сизни таваллуд кунингиз муносабати билан Узун туманидаги 7-"Юлдузча" болалар боғчаси жамоаси ва фарзандларингиз самимий қутлайди.

Яқинларингиз бахтига омон бўлиб юришингизни Оллоҳдан сўраб қоламиз.

Сурхондарё вилояти
Узун тумани
"Юлдузча" болалар боғчаси
жамоаси ва фарзандларингиз

Ҳурматли
Мирвоҳид МИРЗИЁДОВ!

Сизни 60 ёшга тўлган муборак кунингиз билан самимий муборакбод этамиз. Сизга узоқ умр, туганмас бахт-саодат, оилангизга фаровонлик, жамоамизда бундан-да кўпроқ ибратли ишлар қилишингизга ва келгуси режаларингизга ривож тилаймиз.

Тошкент кимё-технология институти жамоаси ва оила аъзоларингиз

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Рақам ва далиллар ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. «Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси,32.
ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона — 136-54-10, масъул котиб — 136-56-42, хатлар ва оммавий ишлар бўлими—136-54-23.

Газета материаллари «Ma'rifat-Madadkor» нашриётида терилди
Pentium компьютерида Лилия БИНАШЕВА ва Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.
Навбатчи муҳаррир: Шарифа МАДРАҲИМОВА,
Навбатчи: Нурлан УСМОНОВ.

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида № 20 рақам билан 12 июнь 1998 йилда рўйхатга олинган.
ИНДЕКС: 149, 150. Г-2717. Тиражи 14.802.
Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти — 20.00.
Топширилди — 20.00.